

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING
YAPONIYA GA TASHRIFIGA DOIR**

Япония ҳукуматининг таклифига биноан, шу йил 28-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга ташрифи бўлиб ўтади.

Ташриф давомида Япония Императори Акихито билан учрашув кўзда тутилган бўлиб, Япония Бош вазири Д.Коидзуми билан музокаралар, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Сафар асносида қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланади. Ўзбекистон томони Япония билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қатъа аҳамият беради.

Хонқа шаҳрида Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси — "Мева" иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Асосан мева ва सबзавотларни қайта ишлаб, ундан экологик тоза ва табиий шарбатлар тайёрлайдиган ушбу корхона айни кунларда тўла қувват билан ишламоқда. Қадоклониши жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган аъло сифатли ушбу шарбатларга талаб юқори. Шу боис "Мева"нинг маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқари Италия ва Ҳамдустлик мамлакатларига ҳам экспорт қилинаётир. Бундан бобону соҳибкор ҳам, қайта ишловчи харидорлар ҳам манфаатдор бўлмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илгор ишчиси Умида Ҳаринова тайёр маҳсулотларни намойиш этаяпти.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ
олган сурат.



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOVNING YAPONIYA GA
RASMIY TASHRIFI OLDIDAN**

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК — ҚАЛИН ҲАМКОРЛИК

Дунёда ҳаётини, иқтисодий мўжизалари билан ном қозongan давлатлар кўп эмас. Лекин ана шу санокли мамлакатлар орасида етакчилик қилувчи юрт сифатида Японияни кўрсатсақ, ҳеч қандай муболага бўлмайдди. Табиий заҳиралар бобида тақдир уни бирмунча қисган эса-да, тараққиёт бобида ҳар томонлама мададорлик қилади. Япония бутун олтин-валюта заҳираси энг кўп мамлакат саналади. Дунёда унинг технологиялари етиб борманган жой йўқ. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам энг олдинги ўринлардан бирида. Халқи эса ватанпарварлиги ва миллий анъаналарга кучли садоқати билан ажралиб туради. Иқтисодчиларнинг фикрича, энди иккинчи йили ўтаётган янги асрада Япония ишлаб чиқаришини бирмунча камайитириб, технологияларни экспорт қилишни кўпайитиришга ўтади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабрида тан олган. Кўп ўтмай, 1992 йилнинг бошида икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон бу мамлакат билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришни устувор масала этиб белгиллаган бўлса, Япония Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлат сифатида қарайди. Шу боис мунтазам равишда Япония ҳукумати ва парламентининг нуфузли аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва ишбилармон доираларнинг обрўли вакиллари Ўзбекистонга келиб туради.

Шу ой ўрталарида ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигида ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан иборат катта делегация келиб кетди. Май ойида эса депутатлар Т.Асо ва Н.Накама бошчилигида Япония жамоатчилигининг жуда катта делегацияси Ўзбекистонни зиёрат қилиб, уруш йиллари мамлакатимизга келиб қолган ва бу ерда абдий уйқуга кетган ҳамюртлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорликларнинг очиши маросимларида қатнашди. Ушбу тадбирларнинг бошида, албатта, Президент Ислам Каримовнинг саяёҳаракатлари туради. Бундай одамийлик эса, табиийки, узаро муносабатларга ўзгача руҳ ва шилдат бағишламоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин дунёда ва минтақамизда юз берган ўзгаришлар Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожига янги суръат бағишлади. Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Дзюньитиро

(Давоми 2-бетда).

Пойтахт ҳокимлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Мақамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги ўртага қўйилган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

Ж.Б.Сайфиддиновни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 июль.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

Ҳ.Т.Комиловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ҳ.Т.Комиловни Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 июль.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш йўлида

Шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган мазкур йиғилишда Тошкентда 2002 йилнинг биринчи ярмида ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизга тенг бўлгани таъкидланди. Саноатда маҳсулот, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам сезиларли даражада кўпайди.

Айни вақтда бу борада ҳали ҳал этилмаган муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан, хомашё ва материаллардан, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб беришча алоҳида этибор қаратилмоғи лозим.

Йиғилишда маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, шаҳар ҳўжалигини куз-қиш мавсумига тайёрлаш каби масалалар танқидий таҳлил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон бизнеси: УЙҒОНИШ ВА ИНТИЛИШ

Тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ҳамма жойда ва ҳар томонлама ривожлантириш, унинг асосида тадбиркорларнинг ўрта синфини шакллантиришни тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилиш лозим.

Ислам КАРИМОВ.

Самолётдаги гурунг

Яқ-40 самолёти Тошкентдан Нукусга икки соату 10 минут учар экан. Бу мудат бироз мизиб олишдан ҳам, газеталарни арақлаб чиқишдан ҳам ортиб қолди. Деразадан пастга қараётганимизни сезган ҳамроҳим гап қотди:

— Гафур Фулдон таъкидлаганидек, бу йўллар кўп қадим йўللари. (У пастларни илонизи сўмоқларин назарда тутаятган эди). Буюк Ипак йўли қолдирган излар бор. Йўл ёқаларини қаранг, одамлар, техникалар. Геологлар қорақалпоқ ерларидан ниманингдир хидини олишганига анча бўлди. Унинг бу замида йўқ нарсага ўзи йўқ, кўм эмас, бойлик, хазина бу тупроқ.

— Менделеев жадвалидаги ҳамма элементлар бор дегиб бу тупроқда? — Билангонлик қилиб қаердадир ўқитганини айтман.

нотўғрими?

— Тўғри. Аммо ерости бойликларидан фойдаланиш учун ҳам тадбиркорлик керак. Ишлаб чиқариш керак.

— Ишлаганда ҳам, ақлли меҳнат қилиш лозим бўлади. Тирноғ бўлмас, арслон ҳам ожиз. Ақ-нароқ билан иш қўрилмас, шундай катта имкониятлар олдида ожиз қолишимиз ҳеч гапмас. Шукурки, замон яхшиланиб бораётган. Тадбиркор одамларимизнинг сафи ортмоқда. Уларга ишонса бўлади. Лекин...

— Нимас лекин? — сўрайман ажабланиб.

— Билансизми, бутун Нукус ақли айтиб юрибди: яқинда республика Жуқорги Кенгеси раиси бир гуруҳ тадбиркорларни шаҳсан ўзи қабул қилибди, суҳбатлашди, уларнинг арз-лоддини тинглади, муаммоларини бартариф этиш йўллари билан бирликда қўриб чиқишди. Табиийки, тадбиркорларни қўролмайдиغانлар ҳам топилди. Жумладан, бир тадбиркор ошхона оғси, атрофида «текин хўрандалар» кўпайиб қолишди. СЭС ҳам, электр-ригу пожарийес ҳам шу ерда. Эки бир тадбиркор у шаҳардан бу туманга маҳсулотини олиб келаман деса, йўлда минг бир чигирқандан ўтди. Хуллас, тадбиркорларни меҳнат эмас, галва чарчатди. Шу тўғрисида йўл тадбиркорларга ўз қўл телефонини берибди. «Биров бевозта қилса, тўғри менга

1-мақола

чиқавиринглар, мен сизларнинг биринчи рақамли ҳимоячингизман» дедди. Республикада ДАН постлари ҳам кескин камайитилди. Умуман, тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар фақат шуларгина эмас...

Ҳамроҳимнинг сўзларини эшитиб, Президентимизнинг Вазирлар Мақамаси йиғилишидаги «2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида»ги маърузаси ёнига тушди. «...Кўп жойларда номақбул одат тушига кириб қолган бир ҳолатта, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка соғин ситир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак», дейилди ушбу маърузида.

Самолётнинг оёғи ерга тегиб, суҳбатимиз узилди. «То-тоғ билан учрашмайди...» қабилда хайрлашиб, самолётдан тушинишим билан Нукуснинг оташ ҳавоси гулпилаб юзимизга урилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўқинг!

Оҳ, қанчалар ширин бу ёруғ кунни кўриш бахти!

3-бет

Ахир у хонадонига келган ўз таниши М.Дилмуроддан бунни кутмаган эди.

4-бет



ОСИЁ ЎЗБЕКISTONGA ТАН БЕРДИ

1974 йил, Гавана. Ўзбекистон фарзанди Руфат Рискнев бокс бўйича жаҳон чемпиони, деган юксак умовни кўлга киритди.

1974 йил, Андижоннинг Ҳакан қишлоғи. Ҳайдаровлар оиласида ўғил туғилди. Унинг исмини Ўткирбек деб қўйишди.

Ҳўш, бу икки воқеа орасида қандай боғлиқлик бор, дериш? Жуда оддий ва айни пайтда муҳим ўхшашлик бор. Тадбир жон бўлса, тақдирлар ўхшашлигини кўраман деганда, Уш чакалоқ орадан 25 йил ўтгандан кейин Руфат Рискнев жасоратини таққорлади. Воқеа яна океан ортда, бу сафар АҚШнинг Ҳьюстон шаҳрида юз берди. Ўткирбек иккинчи «жанг»да жараҳатланганига қарамай, бир-бирдан оғир урта беллашувда рақибларидан устун келди.

Яна бир ўхшашлик: Р.Рискнев 25 ёшида, 75 килограмм вазн тоифасида зафар қучган бўлса, У.Ҳайдаров ҳам айни шу ёшда, айни шу оғирлик вазнида дунёда тенги йўқ боксчида айланди. Шу ўринда Ҳайдаров бокс федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, Осиё Олимпия қўмитаси вице-президенти Гофур Раҳимовнинг 1999 йили айтган гаплари эсга тушади:

— Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров ва Рустам Сандовлар озод Ўзбекистоннинг баҳодир ўғлонлари. Мамлакатимиз спорт тарихида қисқа даврда ўз сўзини айта бошлади. Бу Истиқлол шарофати, Президент Ислам Каримовнинг спортга юксак эътибори, гаумҳўрлиги натижасидир. Жасур ва паҳлавон боксчиларимизнинг жаҳон рингларидан эришган зафарлари ёшларимизнинг кечиси имкониятларини кўрсатиб турибди. Айниқса, Ўткирбек Ҳайдаровнинг Ҳьюстон рингига ча босиб ўтган йўли чинакам ватанпарвар, мустақам эътиқодли ва метин иродага эга қалбнинг шарафли йўлидир.

7 ёшдан бокс тўғрисида қатнашган Ўткирбек дастлаб тажрибани мураббий Валентин Золоторевдан сабоқ олган. Кейинчалик Андижондаги республика Олимпия ўринбосарлари билан юртида Марс Қўчқоров ва Александр Рамазов раҳбарлигида маҳоратини оширди. Ҳозирда коллежга айлантирилган ушбу масканининг ўзбек бокс мактаби яратилишидаги улкан ҳиссасини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Сайланман десангиз, голиб чиққан мунобақаларининг ўзи анчагина вақтин оладиган Ўткирбекнинг муштадан ўт чакнади, дедик. Назаримизда, қўлблаг гурурининг ўти бу. ВАТАН, ВАТАН дея ураётган юракнинг шиддати, ўзбек

(Давоми 4-бетда).

ДИҚҚАТ. БЕВОСИТА МУЛОҚОТ:

АДЛИЯ ВАЗИРИГА ГАПИНГИЗ БОРМИ?

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Мамлакатимизда қонуни устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сизни қизиқтирадими? Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда? Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш борасида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз? Хуллас, адлия тизимдаги ўзгаришлар, ислохот олимларига оид савол, тақлиф, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, 2002 йилнинг 30 июль кунини соат 10.00 дан 12.00 гача 133-13-05, 133-51-76 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг. Сизни адлия вазири Абдусамат Полдон-зода шахсан эшитади ва саволларингизга жавоб беради.

Агар саволларни олдиндан бериб қўймоқчи бўлсангиз, таҳриратимиздаги 136-07-94, 133-09-97 телефонлари ёки 133-09-85 факс орқали мурожаат этишингиз мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Имкон ва имтиёз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бора-...

этиди. Умуман, республикада ўтган йили минг кишига 3,6 та корхона тўри келган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 6,6 тага етди.

Қорақалпоғистон бизнеси:

Уйғониш ва имтиллиш

рақибат банкнинг грантининг олдинга мушарраф бўлди. Япониядаги жамғарма эса лойиҳа учун 2 миллион 540 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратди.

ҳам бир мактаб бўлди. Уйлайманки, ушбу тадбир уларга куч-қувват ато этади.

хунарди одам ҳеч қачон ва ҳеч қарғадан бўлмайдими. Бизга эса ҳозир ана шундай тадбиркорлар, ўз ишини асл усталари керак.

республикада 320 та ҳаракатсиз корхона тугатилган бўлса, бу йил шу даврда уларнинг сони 612 гага етди.

Тадбиркорлик алифбоси хазинага элтади

«Бизнес-фонд»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси бошқарувининг раиси Алишер Узақбергенов ҳақида...

Камчиликлар таҳлили

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2002 йил биринчи ярмида халқ ҳўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва ислохотларнинг боришини таҳлил қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганича, ўтган ярим йилда Қорақалпоғистонда ялпи ички маҳсулот, жумладан, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ўсиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш ҳисобига 3395 та янги иш ўрни яратилди.

Аммо республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида муайян камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, ташқи савдо айланмаси 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга камаянган, экспорт имкониятига эга бўлган 5 та корхона бўйича хорижга умуман маҳсулот чиқарилмаган.

Янгибўй ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ

Бу ерда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги маъсала муҳокама этилди.



Довруқли дехқон

Дехқоннинг ўз қалса-фаси бор. Қачон қараманг, у ўз даласи синеари қўшни далаларни ҳам кузатади.

СУРАТДА: Имомжон ота Худойбердиев ва механизатор Раҳибий Абдурахмонов пахтазорда.

Мамлакатимизда ернинг ҳар қаричи олтинга тенг, қишлоқ ҳўжалигида қарийб 26 миллион гектар ердан фойдаланилماпти. Шундан 4 миллион гектардан кўпроги барча экинлардан мўл-кўл ҳосил еттиштириш мумкин бўлган сўғорма майдонлардир.

Бундан тўрт йил муқаддам Президентимиз Ислоом Каримов Фармонига мувофиқ, ана шу бебаҳо бойлигимиздан янада оқилона фойдаланиш мақсадида Ер ресурсларни давлат кўмитаси ташкил этилган эди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Назарат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи республика кенгаши билан келишилган режа-жадалга мувофиқ, мунтазам текширишлар олиб борилмақда.

Мамлакатимизда ерга доир ахборотларнинг автоматлашган тизимини бошқичма-бошқич яратиб, замонавий кадастр ўлчов асбобларини, ҳаржий технологияларни ҳаётга татбиқ қилишни, демаркация ва делимитация тадбирларини бажариш учун картография материаллар тайёрлаш каби ишлар амалга оширилди.

Юртимиздаги ер ресурсларини асраб-авайлаш, унинг самарадорлигини ошириш ва мўл ҳосил олишга эришишни мақсад қилишда, қўмита томонидан аввалги эгаларга қайтарилди.

Ер ресурсларининг тартибга солини, ер ҳисоботларини компьютер тизимида юри-

тишни ташкил этиш ва ер тўғрисидаги маълумотларни муҳассаблаштириш ишларининг узвий қисми ҳисобланади. Бу вазирда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори мувофиқланган бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат Ер кадастри қитови, ердан фойдаланувчиларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи ва рўйхатга олувчи реестр қитовлари, ер участкаларига бўлган эҳтиёткорлик давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома нарч этилди ва амалда қўлланилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қоидаму ўзаро нома алашиб, террорчиликка қарши халқаро миқёсда бошланган кураш доирасида амалга ошираётган ишларини, қарорларини маъқуллади ва бундан бундан ҳам бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар очилишини таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, Д.Қоидамнинг мактубини ушбу мамлакатнинг собиқ Бош вазир, амалдаги ҳукумат раҳбарининг махсус элчиси мавқеига эга бўлган Юсиро Мори келиб топширди. Бу элчибор бежиз эмас. Ўзбекистон халқаро ахборот-коммуникация қўмитасига қўрсатган эрданинг аҳамияти беқисс.

ХА, ҳалол, тўғриси, меҳнатқаш қорақалпоқлик тадбиркорларга ишонса бўлади. Ахир, кечагина «Қўнғирот толаси» ҳиссадорлик жамияти Жаҳон сифат қўмитасининг Пекиндаги йиғилишида олтин соврин билан мукофотланди.

Ўз ҳалол меҳнати, ақл-идроки билан Қорақалпоғистонни, қоларса, бутун Ўзбекистонни дунёга танитди. Устоз Аҳмадиев айтганларидек:

Номаҳрамни асло йўдош тутмаган, Бош кетса ҳам тўғри сўздан қайтмаган, Оти қорақалпоқ эларим бордир.

Эсирган БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Икки томонлама ҳамкорлик ана шу қизиқич асосида ҳам ривожланмоқда. Япония Ўзбекистоннинг иқтисодий тарраққети ва мамлакатимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ёрдам қўламини оширмоқда.

Умуман, Япония шу чоққача мамлакатимизга киритган сармоянинг ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларини охиб кетди. Мамлакатимизда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, бир неча қўшма корхона фаолият қўрсатмоқда.

Далатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг Қунчиқар мамлакатига буора-жак бу галги расмий ташрифи қандай кечилишни муносабатларимизнинг ана шундай кўтаринки рўҳидан келиб чиққан ҳолда тасаввур этиш қийин эмас.

Бу галги музокаралар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, Япониядан янада кўпроқ сармоя жалб этиш, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар қўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар эшигини очиб, шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

қанча меъёрий ҳўжатлар ишлаб чиқилди ва улар асосида шу кунгача республика ерларнинг сифат баҳоси, яъни баъл бонитетлари аниқланди. Шўнрақ ҳўжалиги ерларини оқилона пўнратиларга тақсимлаш учун ерларнинг қиймат баҳолави аниқлаб берилди. Шўнингдек, янги ташкил қилинган фермер ҳўжалиқларига ҳам ўз ҳудудлари бўйича кадастр ҳўжатлари тайёрланди берилди.

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК — ҚАЛИН ҲАМКОРЛИК

Икки томонлама муносабатлар ривожига иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг ҳам аҳамияти катта.

Маданий алоқалар бора-сида 2001 йилнинг августда Тошкентда «Юздуру» («Туниги турна») операси намойиш этилган катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон ва Япония арсеологлар ҳам узоқ йиллардан бундан ҳамкорлик қўлиб келди. Мамлакатимизда буддавийлик маданиятининг ётдорликларини очилишида япон арсеологи К.Катонинг ҳиссаси катта бўлгани боис у 2002 йилнинг майида давлатимизнинг юксак муқофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Шу йил апрель ойида ана бир эътиборга молик воқеа рўй берди. Т.Асо, Й.Мори, Н.Накайма каби депутатлар ташаббуси билан Япония парламентида «Япония Либерал демократик партияси — Ўзбекистон» номини олган дўстлик лигаси тўзилди.

Олий қонун чиқарувчи органда энг нуфузли партиаларнинг биридан сайланган депутатларнинг бундай ташаббусга қўл ургани, албатта, муҳим аҳамиятга эга.

Далатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг Қунчиқар мамлакатига буора-жак бу галги расмий ташрифи қандай кечилишни муносабатларимизнинг ана шундай кўтаринки рўҳидан келиб чиққан ҳолда тасаввур этиш қийин эмас.


Бу галги музокаралар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, Япониядан янада кўпроқ сармоя жалб этиш, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар қўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар эшигини очиб, шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

қанча меъёрий ҳўжатлар ишлаб чиқилди ва улар асосида шу кунгача республика ерларнинг сифат баҳоси, яъни баъл бонитетлари аниқланди. Шўнрақ ҳўжалиги ерларини оқилона пўнратиларга тақсимлаш учун ерларнинг қиймат баҳолави аниқлаб берилди. Шўнингдек, янги ташкил қилинган фермер ҳўжалиқларига ҳам ўз ҳудудлари бўйича кадастр ҳўжатлари тайёрланди берилди.

Олим НОРЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Осиё Ўзбекистонга тан берди



(Давоми. Боши 1-бетдан)


гурурининг кучи бу. Ана шу кудратга, ана шу ўт ёлқинига нафақат Осиё, балки бутун жаҳон тан бермоқда бутун.

“Тўтасин ақанинг ўгли Сидней Олимпиадасида бронза медалини қўлга киритган”. Айтнинг-чи, ота-она учун фарзанди ҳақида шундай илқ фикрларни эшитиш катта бахт эмасми? Ахир пушти камаридан бўлган дилбанди 22 ёшида бутун дунёни ўзига қаратди. Австралиа деб ата-лашган яшил ўлкада кимсан, канадалик машҳур боксчи Артем Бинковскийни иккинчи раунддаёқ маълумият учратди. Чунки бу вақтда ҳисоб 17:2 бўлиб, очколар фарқи 15 тага етганда. Буни бизда ҳалол галаба, дейишди. Қачон Рустам Саидов

ҳақида қоғоз қораламоқчи бўлганимизда, юқоридоғи хотиралардан ташқари, гандболдан чиққан боксчи, деган таъриф эсга тушади. Гап шундаки, бўлажак Рустам дoston 14 ёшигача гандбол билан шуғулланган. Кейин эса боксга қизиқиб қолади. Бундан самарқандлик мураббий Н. Анфимовнинг алоҳида ҳиссаси бор. Николай акадан олинган сабоқ, кейинчалик

буюклигидан нишона, юрт фарзандларининг ботирлигидан дарак. Баҳодир ўғонлардан бор элнинг юки ерда қолмайди. Дунё ақли бу элни қайта-қайта кашф қилаверади, қудратига тан бераверади. Малайзиядаги ютуқ фикрининг далилидир.

Игорь Алтман деган мураббийни танийсизми? Бокс мутахассислари уни ажойиб устоз сифатида эътироф қилишади. Таъбир жоиз бўлса, уни бутун Осиёнинг янги чемпиони кешф этган мураббий сифатида ҳам тан олмоқ жоиз. Боиси — 1974 йили Шахрисабзда туғилган Икром Бердиевнинг «Чарм қўлдоқ» бахсларига меҳри тушишида, курашувчанлик иродалигининг шақлланиши заминида айнан унинг меҳнати ётади. Биргина мисол. 1997 йили Андижон шаҳрида бокс бўйича «Мустақиллик кубоги» турнири ташкил қилинди. Яхши ният билан рингга чиққан Икромнинг омади чопмади, ютказиб қўйди. Ана шунда Бердиевнинг кўзидан ёш сизилб чиқди. Еш спортчини юплатмоқчи бўлди.



Тасаввур қилинг: битта мусобақада Ватанимиз мадҳияси беш марта янгради, байроғимиз саккиз марта кўтарилди. Шу жароғини кўзатган хорижий томошабин кўнглида «Бу Ўзбекистон беани жуда кудратли давлат экан-а» деган гап ўтиши мумкинми? Албатта-да! Шундай экан, бутун Осиё Ўзбекистонга тан берди, деб гурурлансак, чемпионларни — ўзбек ўғлонларини бағримизга босиб, қайта-қайта кутмасак қандай ярашади!

ишлаб албатта чемпион бўламан, — деганди Икром ўшанда. Мана, ордан беш йил ўтгандан кейин устозининг ўғитларига қатъий амал қилган йигит сўзининг устидан чиқди. Мамлакат ички биринчилиги ёхуд кичикроқ турнир эмас, китта чемпионлигини қўлга киритди. Юзи ёруғ бўлди. Бирок яна унинг кўзидан ёш чиққани рост. Бу ўзига ишонч, қувонч ёшлари эди. Чирчиқдаги Олимпия ўринбосарлари билим юртида таҳсил олган Икромни айрим мураббийлар

анча вақтгача «уй боксчи» сифатида санаб келишди. Унинг халқро майдонда зафар куча олишига шубҳа билан қарашди. Аммо Малайзия сафари олдидан И.Бердиевнинг ўзини кўрсатиши учун имконият эшити очилди. Шу пайтгача 81 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарофтини ҳимоя қилиб келган Сергей Михайловнинг бошқа вазнга ўтгани боис унинг ўрнини Икром эгаллади. Қарангки, ишонч уни илҳомлангирди, куч берди. Ана шу куч туфайли Ватан байроғини кўтаришга муваффақ бўлди. Кўксидан олтин медаль билан юртимизга қайтиб келганда қучоғи гулга тўлди, катта-кичикнинг табригини олди. Сўзининг устидан чиққан ўғлон бутун Темир Ҳуломов раҳбарлигида тарма жамоа таркибиде машғулотларда иштирок этаётти. Мақсад Малайзияда тасолифан чемпион бўлмаганини Пусандаги Осиё ўйинларида яна бир карра исботлашди.



Шу сонга хабар

Дрездендан — галаба билан!

Эрта тонгда қўшининг она-заминга буй кўрсатиши ўзгача. Олам жилмайётганга ўхшайди. Бу яхшиликнинг, эзуликнинг нишонаси. Ана шу меҳру муҳаббат катта бир қувонч Ватан шўхратини жаҳонга кўз-кўз етганларни қарши-лаша эш бўлса, қалбларнинг ҳам қўшини табассум этади. Кеча шундай бўлди. Германиянинг Дрезден шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон кубоғи бахсларида 1 та олтин, 4 та бронза медални қўлга киритган ёш спортчиларимизни қаршилаш пойтахт аэропортида катта шодонага айланди. Бу ерда йиғилганлар Жавлон Маҳмудов, Нодир Хўжаев, Юнусбек Отақонов, Шероҳ Жаилиловларнинг санъатига таҳсин айтишди. — Бу бутун юртимиз қаратчиларининг галабаси, йигитларимизнинг мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйига кичик тўенаси, — дейди табрикларни қабул этаётган Ўзбекистон Қаратғ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов. — Дрезденда ўтган ушбу мусобақада дунёнинг 41 та давлатдан 1200 нафардан ошдиқ спортчи иштирок этди. Шунча давлатлар орасида совриндор бўлиш завқи ўзгача. Фотилик йўлда собит бўлмоқлик, юрт ори учун курашмоқлик саоят. Зеро, Ватанини сеувувиқлар қалб амирага қулоқ тутайди, гурур учун беллашади.

М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60
- Газетчилик билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08
- Янгиликлар ва халқро хабар — 132-11-15
- Котибият — 133-10-28
- Эълонлар — 136-09-25

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрират компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УТВОСАРОВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Муҳасабис — Ш. МАНРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 23.00. 1 2 3 4 5 6

Милициянинг тезкор хабари

Магнитола ўгриси
«Автомобиллар эҳтиёт қисмлари» бозори олдиде нима қилишни билмай юрган бекорчи, Наманган шаҳрининг «Миробод» кўчасида яшовчи К.Диншод исмли йигит минега уригани қалтис режани амалга оширмоқчи бўлди. Қаровисиз қолдирилган Тошкент илотти. Қийраы туманида яшовчи М.Дуйсебоевнинг «ВАЗ-2101» русумли автоуовидеида «Супер-генерал» автомагнитоласини ўғирлади. Воқеа жойига етиб келган Сирғали тумани ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир этган талончилар қўлга олинди. Шундай қилиб, Юнусобод тумани 13-мавзасида истиқомат қилувчи, ҳеч қерда ишламайдиган А.Бахтиёр ва 8-мавзасида яшовчи, унинг шериги О.Ботир эндиликда қилмишларидан пушаймон еб ўтиридилар.

Талончилар кўлга олинди
Юнусобод туманининг 7-даҳасидаги автомобиллар шиналарини таъмирлаш устаканаси олдиде бораётган, «Машинасолар» кўчаси, 1-уйнинг 64-қондониде яшовчи фуқаро А.Эшимовни икки нафар нотаниш кимса тўхтатади. Сўнг куч ишлатиб, унинг ёнидаги 71000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетишади. Туман ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир этган талончилар қўлга олинди. Шундай қилиб, Юнусобод тумани 13-мавзасида истиқомат қилувчи, ҳеч қерда ишламайдиган А.Бахтиёр ва 8-мавзасида яшовчи, унинг шериги О.Ботир эндиликда қилмишларидан пушаймон еб ўтиридилар.

Меҳмондан кутмаган эди
Собир Раҳимов туманидаги «Олимпия» даҳаси, 4-уйда истиқомат қилувчи Д.Савчинов ўзининг 300000 сўмлик музика маркази ва 10000 сўм туралдаги электр дэмоскопини унинг ушлаб қолганидан фойдаланиб, ўғирлаб кетётганида милиция ходимлари томонидан ушланган ўғрини қўриб, ҳайрон қолди. Ахир у хондонига келган ўз таниши М.Дилмуроддан буни кутмаган эди. Хуллас, қўли эгри меҳмоннинг эндиликда юзлари шувут бўлиб, қўллари ерга термулиб қолди.

А.Розиков «Отчолар» бозорининг «Ипак йўли» шохобчасидаги хусусий дўконидан 100000 сўм миқдоридеги пулини номаълум шахс ўғирлаб кетганини билгач, милицияга хабар беради. Воқеа жойида ҳозир бўлган ички ишлар ходимлари шошилинч чора тадбирлари қўриб, ўғрини айлқлашга муваффақ бўлидилар. Қишқадарё илотининг Шаҳрисабз туманида яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилишини хоҳламайдиган Н.Нозимнинг айбига иқдорлик билдиришдан ўзга чораси қолмади.

Самарқанддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИБ матбуот маркази инспектори.

САВОЛ БИЗДАН...
Кечаси сондаги саволнинг жавоби:
Самарқанд ҳақидаги сатрлар XV аср бошларида Испания элчиси Рюн Гонзалес де Клавихо қаламига мансуб.
Ердан Қушгача қанча масофа бер?
136-35-60

ALUCOBOND
АЛЮМИНИЕВЫЕ КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ
ДЛЯ НАРУЖНОЙ И ВНУТРЕННЕЙ ОТДЕЛКИ ЗДАНИЙ
БЕСПЛАТНО
Вызов специалиста, Разработка дизайна, Доставка, Установка.
Гарантируем качество при оптимальной цене!
Тел./факс 195-41-53, тел. 187-44-65, 188-98-42.

Хикмат
Ким улугдир, қилмагил густоҳлик,
Барчага бўлгил жаҳонда хуш қилиқ.

«Анор» Хитойга боради
Санъатва ошўфта қалбар ҳамшира эзуликка, гўзалликка интилади ва бошқаларни ҳам шу инж олам сирларига ошиқ қилиб қўяди. Қува туманидаги «Анор» дастаси санъаткорлари ижросидаги дилрабо қўшиқлари жозибадор рақсларини томоша қилсангиз, улар юртимиздаги эманас, балки Туркия, Бельгия, Голландия сингари бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам ўз мухлисларини топгани бежиз эмаслиге амин бўласиз. Айни кунларда «Анор» дастаси жамоаси Хитой сафарига ҳозирлик қўраёттир.
СУРАТДА: «Анор» қизлари хиром айланганда...
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИНГ МОЛИЯЧИ БИЗНЕС МАКТАБИ
2002/2003 ўқув йили учун танлов асосида
«СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» ҲАМДА
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ»
мутахассисликлари бўйича 11-синфинг битирган ёшларни ўқишга таклиф этади.
Ўқиш муддати кундузги бўлимда — 2 йил, сиртки бўлимда эса — 2 йилу 8 ой. Дарсларни Тошкент молия институти ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқаришдан таклиф этилган етакчи мутахассислар олиб борадилар.
Яқиний давлат аттестациясидан ўтган талабаларга таълимнинг ўрта махсус даражасини белгилайдиган малака ҳамда битилган намунадаги диплом берилади.
Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
- директор номига ариза;
- 11-синфинг битирганизи ҳақида шахардотнома (асл нусхаси);
- 3x4 см ҳажмдаги 6 донга фотосурат;
- яшаи жойида маълумотнома;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт (нусхаси).
Ҳужжатлар яқинбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Қабул 2002 йил 5 августдан бошланади.

Vinlad Сделаем жизнь спокойнее!
Оборудование охранно-пожарной сигнализации SH Export (Нидерланды).
C&K SYSTEMS, IntelliSense, FBII, ADEMCO microtech, SH Export
Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио и видеомофоны, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.
Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел.: 50-99-13, 50-46-13, тел./факс 120-66-01. E-mail: vinlad@naryov.com

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармасининг жамоаси бошқарма бошлиги Муҳаммад Нарзиёва падари бузрукчиси
ОРИФ бобонинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
ЎзР ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Экспериментал гидротаника лабораторияси мудири, профессор Рискали Шойқубович Шойқубов вақоиди мухтарамаси Курбонбун РАСУЛОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Муҳайе Расуловага онаси БАШПОРАТ янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» жамоаси компания менежер Саидмур Рашидовга ўғли АДҲАМнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» шўба корхонаси жамоаси Сирдарё магистрал электр тармоқлари бош муҳандиси Алексей Михайлович ЗАРЕЦКИЙнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига таъзия изҳор этади.
ТИҚХМНИ жамоаси гидромелиорация факультетининг «Экология ва сув ресурслари» кафедраси мудири Абдулҳаким Саломхидиновга падари бузрукчиси ТЕМИРХЎЖА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.